



Tadqiqot.uz

ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2021

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



30 Sentyabr
№32

CONFERENCES.UZ

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 32-ҚЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
9-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
32-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-9**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
32-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-9**

ТОШКЕНТ-2021



УУК 001 (062)

КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2021]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 32-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 сентябрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 19 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ
ТУТГАН ЎРНИ

1. Хасанхонова Нодира Исаметдиновна ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШДА “БИЛИМЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТЎРТ ҒИЛДИРАГИ” МЕХАНИЗМИ.....	7
2. Murodova Durdonakhon Oybek kizi INTERNATIONAL LEGAL COOPERATION IN THE FIELD OF LABOUR MIGRATION	12
3. Иномжонов Исломжон Илхомжон ўғли ИСЛОМИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАМОИЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	16



ИҚТИСОДИЁТДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШДА “БИЛИМЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ТЎРТ ҒИЛДИРАГИ” МЕХАНИЗМИ

Хасанхонова Нодира Исаметдиновна,
Тошкент молия институтини,
“Иқтисодиёт, бошқарув, солиқ ва суғурта”
кафедраси катта ўқитувчиси
телефон: +998909579204
hasanxonova@mail.ru

Аннотация: Жаҳон миқёсида иқтисодиётнинг техник ривожланиш даражаси илгарилаб борган сари билимлар иқтисодиёти механизмини жорий этиш зарурияти юзага келмоқда. Мазкур мақола мамлакатимизда билимлар иқтисодиётини жорий этишда механизм ролини очиқ беради. Мақолада шунингдек иқтисодиётни инновацион ривожланиши шароити баҳоланган.

Калит сўзлар: институционализм, институционал омил, билимлар иқтисодиёти, иқтисодиётнинг технологиялашув даражаси, илмсиғимкорлик, АКТ инфратузилмаси, таълим тизими.

Жаҳон миқёсида институционализм мактабининг ёрқин намоёндаларидан бири бўлган Ж.Гелбрейт янги индустриал жамият ғоясини биринчилардан илгари сурган бўлса, кейинчалик Д.Белл, Э.Тоффлер, Ф.Перру каби олимлар уни ривожлантирди. Уларнинг барчаси мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда фан-техника ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг улуши юқори бўлган очиқ иқтисодиётни ёқлаб чиқишган.

Ўзбекистон билимлар иқтисодиётига асосланган замонавий иқтисодиётга қадам қўяр экан, жаҳон иқтисодиётининг ҳар қандай вазиятга беқарор эканлигини билиши лозим. Бу иқтисодиётнинг барча соҳаларини қамраб олувчи трансформацион жараёнлар кадрлар ва ишчи кучини қайта тайёрлаш билан боғлиқ муаммолардир. Бу ўринда иқтисодиётда бир қатор янги омилларни шакллантириш лозим. Ана шундай омиллардан бири бу юқори инновацион қобилият ва ахборотнинг асосий манбаи бўлган иқтисодиёт соҳасининг етарли даражада ривожланмаганлигидир. Иқтисодиётнинг инновацион қобилияти кўплаб соҳалар – нафақат юқори технологияли, балки ривожланаётган мультипликатив эффект билан қамраб олингани бошқа барча соҳаларнинг табиати ва ишлаш даражасини белгилайди. Билимларга асосланган иқтисодиёт, фаолиятнинг янги механизмлари ва ташкилий шакллари орқали давлатининг сиёсатида устувор бўлган асосий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни янада тўғри ҳал қилишга туртки бўлиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, замонавий билимлар иқтисодиётини таҳлил қилишда, унинг хусусий жиҳатларини ажратиш кўрсатишимиз мақсадга мувофиқдир. Улар:

- институционал муҳитнинг иқтисодиётдаги ўзгаришларга тайёр туришлиги. Бу ўринда институционал омиллардан самарали фойдаланиш эвазига асосий фондларнинг янгиланиш коэффицентини кўтариш назарда тутилади;

- ақлий фаолият билан машғул бўлган ишчилар салмоғининг юқори бўлишлиги. Бунда мамлакатда h-index бўйича иқтибослик даражаси юқори бўлган олимларнинг улуши юқори бўлишлиги инобатга олинади;

- интеллектуал товарларнинг экспортдаги улушининг кўп бўлишлиги. Бу иқтисодиёт тармоқларида технологик ривожланиш даражасининг ўсишига аҳамият қаратишни билдиради;

- техника тараққиётидаги ўзгаришларга диққатни қаратиш. Бунда асосий эътибор



иқтисодиётнинг технологиялашув даражасини кўтаришга қаратилади;

- ИТТКИга сарф-харажатларнинг тўғри йўналтирилганлиги ҳисобига илмий ишларнинг амалиётга жорий қилиниш даражасининг юқори бўлишлиги;

- хусусий секторнинг техник ўзгаришларга эгилувчанлик даражаси юқори бўлишлиги.

Иқтисодиётнинг технологиялашув даражаси билан боғлиқ кўрсаткичларда кўриб ўтамиз (1-жадвал).

1-жадвал


Иқтисодиётнинг технологик ривожланиш даражасини баҳоловчи кўрсаткичлар [1]

	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
Иқтисодиётнинг юқори технологияли (шу жумладан, юқори даражадаги ўрта технологияли) ва илм талаб тармоқларининг ЯИМдаги улуши, фоизда	19,9	20,5	20,7	20,6	20,7	21,4	23,0	24,6	26,1
Иқтисодиётнинг юқори технологияли ва илм талаб тармоқларининг ЯИМдаги улуши, фоизда	18,1	18,5	18,4	18,6	18,8	18,8	19,3	21,1	22,8
Юқори технологияли ишлаб чиқаришнинг саноатда яратилган қўшилган қийматдаги улуши, фоизда	2,4	1,7	1,5	1,7	2,1	2,2	1,6	1,9	2,2
ЯИМнинг илм сиғимкорлиги, фоизда	17,8	18,3	18,2	18,4	18,5	18,5	19,0	20,7	22,3

1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, охириги беш йил давомида иқтисодиётнинг юқори технологияли (шу жумладан, юқори даражадаги ўрта технологияли) ва илм талаб қиладиган тармоқларнинг ЯИМдаги улуши ошиб борган ва ушбу ҳолатга мамлакатда ижтимоий йўналтирилган ислохотларнинг натижаси сифатида қараш мумкин. Йиллар бўйича таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, 2018 йилда юқори технологияли ишлаб чиқаришнинг ЯИМдаги улушида пасайиш бўлган. Бу ҳолат билимлар иқтисодиётини ривожлантириш учун мамлакатимизда аниқ бир механизм хали тўлиқ ишламаганидан далолат берди. Аммо 2020 йилга келиб, иқтисодиётнинг технологиялашув даражаси асл ҳолатига қайтди. Чунки Ўзбекистонда тузилган Инновацион ривожланиш вазирлиги ўз вазифаларини адо эта бошлади. Демак, билимлар иқтисодиётини ривожланиши учун механизм ишлай бошлади.

Бундай механизм билимлар иқтисодиёти, яъни, иқтисодий тараққиётни таъминлаш учун илмий ва ижтимоий жиҳатдан бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган тизимни жорий этишни объектив заруриятга айлантиради. Чунки, мазкур узвийлик ушбу тизимда ўзаро муносабатларни идрок этиш калити ва ривожланиш йўналиши ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, республиканинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда ҳамда жаҳон тажрибасида муваффақиятли қўлланилган, мамлакатда билимлар иқтисодиётининг ривожланишига жуда катта замин яратадиган «Билимлар иқтисодиётининг тўрт филдираги» механизмини амалиётга жорий қилиш мақсадга мувофиқдир (1-расм).



1-расм. Билимлар иқтисодиётининг тўрт ғилдираги механизми¹

Мазкур механизмнинг самарадорлиги ҳукумат томонидан ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган фармон, қарор, қонун ва қонун ости ҳужжатлари, турли хилдаги дастурлар ҳамда уларнинг йўналишларига боғлиқ. Ушбу механизмда худди машина ғилдираги каби биргаликда ҳаракатни амалга ошириш лозимлиги инобатга олинади.

Мамлакатда билимлар иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган ушбу механизмдаги тўртта унсур машина ғилдираги сингари баробар айланиши, бир-бирини тўлдириши ва узвийликни таъминлаши инобатга олинishi зарур. Масалан, агар давлатнинг институционал унсурлари талаб даражасида ишламаса, таълим, инновация ва АКТ инфратузилмасига тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатади. Чунки, институционал муҳит ўз ичига қонунчилик, давлат бошқаруви ва етакчи тадқиқот институтларини олади ва уларнинг талаб даражасида ишламаслиги мамлакатдаги шарт-шароитни қийинлаштиради.

Агар ғилдиракларнинг яна бири бўлган таълим тизими юқори даражада ва сифатли бўлмаса, у ҳолда мамлакатда ўз соҳасининг етук кадрлари етишиб чиқмайди ва интеллектуал товар арзон бўлиши ҳамда инновацияларни жорий этилиш ҳолати йўқлигига сабабчи бўлади. Чунки, иқтисодиётни потенциал, универсал ва узоқ муддатли ўсиш импулси инновациялардир. Тизимли инновацияларсиз узоқ муддатли иқтисодий ўсиш бўлмайди. Тизимли инновацияларни таъминлаш мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун зарурдир. Демак, барча ғилдираклар баб-баравар ишлаши лозим.

Узоқ муддатли иқтисодий ўсиш билимлар иқтисодиётисиз амалга ошмаслигини биринчи бобда кўрсатиб ўтдик. Умуман мамлакатимизда «билимлар иқтисодиётининг тўрт ғилдирак» механизми жуда зарурдир[2]. Диссертация ишининг ушбу қисмида ҳар бир ғилдиракни алоҳида ўрганиб чиқамиз.

Биринчи ғилдирак бу – инновацион иқтисодиёт ва унинг ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишни таъминлайдиган институционал муҳитдир. У иқтисодий ўсиш узоқ ва барқарор бўлишини таъминлашга хизмат қилиши лозим. Институционал муҳит ўз ичига учта таркибни: иқтисодиётнинг очиклиги (жаҳон миқёсида эркин савдо, инвестиция кириши учун жозибадор муҳит); хусусий мулкни (бизнинг назаримизда интеллектуал мулкни) ҳимоя қила оладиган кучли қонунчилик ва коррупциядан ҳоли бўлган бошқарувни ўз ичига олади. Очик иқтисодиёт ўз хусусиятига кўра импорт ва экспорт эркинлиги, ҳар

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди



қандай технологик янгиликни ўз худудига кириш ва чиқиши, халқаро тажрибаларни ўзлаштириш ва бўлишиш эҳтимоли юқорилигини инобатга олади. Интеллектуал мулкнинг химоя қилиниш ҳолати асосан мамлакат интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро ва турли интеллектуал товарлар учун патент ҳамда мулк ҳуқуқи бериш фаолиятининг шаффофлиги ва кафолатланганлиги билан боғлиқ. Бошқарувда коррупциянинг мавжуд эмаслиги мазкур ғилдирак юришини енгиллаштиради.

Иккинчи ғилдирак бу – таълим тизимидир. Юқори даражадаги ва сифатли таълим тизими рақобатбардош кадрларни етишиб чиқишига асос бўлади. Мамлакат таълим тизими унинг барча босқичларини самарали ташкил этиш эвазига сифатли ва рақобатбардош кадрлар тайёрлайди. Жаҳонда иқтисодиётнинг ривожланишида таълим сифати асосий ўрин тутиши ҳақида жуда кўплаган фикрлар учрайди. Жумладан, иқтисодий таълимотлар тарихида ҳам айнан техник ходимлар ишлаб чиқариш даражасини кўтарувчи куч деб ҳисобланади.

Етук кадр иқтисодиёт учун бериши мумкин бўлган хизматини биз қуйидагича кўрсатишимиз мумкин:

- улар сифатли махсулот ва хизматлар яратилишига сабабчи бўлади. Бу эса, ҳар қандай кўринишга эга бўлган корхона ёки ташкилотга кўпроқ даромад олиб келади;

- хусусий секторда кадрларнинг рационал ҳаракати туфайли, инкироз юз беришининг олди олинади;

- кадрларнинг креативлиги инновацион товар ва хизматлар яратилишига сабабчи бўлади. Бу корхона ёки ташкилотнинг турғунлик ҳолатидан чиқиб, бозор талабларига эгиловчанлигида намоён бўлади;

- иқтисодиётда етакчи кадрлар қаерга, қандай пул тикиш, техник ходимларни жалб этиш, янгиликларни жорий этиш тартибини яхши тушунгани боис тармоқнинг ривожланишига сабаб бўлади.

Учинчи ғилдирак сифатида кўрсатилган инновация иқтисодиётнинг янгиланган кўринишидир. Инновацион фаолият кўпинча креатив махсулотлар ва хизматлар эвазига яратилади. Креатив махсулотлар ва хизматлар эса, маълум иқтисодий манфаат асосида яратилади. Билимлар иқтисодиёти инновацияларга боғлиқ. Жаҳон тажрибаси ИТТКИ иқтисодиётнинг бирламчи кучи эканлигини кўрсатди. Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг узвийлиги ҳам айнан шу ғилдирак орқали намоён бўлади. Янги кўринишга эга бўлган товар ёки хизматлар яратиш ва уларни амалиётга жорий қилиш иқтисодиёт тармоқлари таркибининг такомиллашишига сабаб бўлади. Инновацияларга қилинган сарфлар жорий ва капитал ҳаражатлар камайишига, даромад даражасини кўтарилиши ва иқтисодий тараққиётга сабабчи бўлади.

Тўртинчи ғилдирак – АКТ инфратузилмаси. Бугунги кунда ахборот коммуникацион технологиялар кириб бормаган тармоқ мавжуд эмас. Ҳар қандай иш технологик ҳисоб-китобларсиз ошмайди. Электрон ҳукумат, ахборот алмашуви, кишлоқ хўжалигида иқтисодий-математик моделдан фойдаланиш эвазига тармоқни ривожлантириш ва шу кабилар иқтисодий ҳаётнинг ажралмас қисми бўлиб чиқди. Билимлар иқтисодиёти ҳам айнан ахборот-коммуникацион тизимлар ривожланганлиги боис такомиллашиб бормоқда ва ҳозирги рақамли ахборотлашган жамият вужудга келишига сабабчи бўлмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган стратегик вазибаларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «...ислохотларнинг асосий мақсади - аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир. Жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган бу сиёсат бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади»[3] деган сўзлари ўзининг амалий тасдиғини топмоқда.

Ушбу иқтисодиётни ўрганиш тегишли тузилмаларни ва уларнинг функцияларини шакллантириш билан боғлиқ. Билим, инновацион таълим, илмий тадқиқот ва уларнинг ишланмалар каби қайта тикланадиган инфратузилмани кўпайтириш ва ривожланиши бу ўринда, айниқса, долзарб ҳисобланади. Қайта тикланадиган (репродуктив) инфратузилманинг ишлаши, тарқалиши ва ундан фойдаланишни таъминлайдиган тизим, таркибий элементлар мажмуи бутун иқтисодиётнинг ишлаши учун зарур шартлардан биридир. Тўлиқ репродуктив инфратузилманинг яратилиши, шунингдек, илмий-техник комплексларнинг, юқори технологияли ишлаб чиқаришларнинг барқарор ривожланиши ва махсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш билан ҳам боғлиқ[4].



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистонда илм-фан ва инновацион фаолият. Т.: 2020. 13-б. ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан берилган маълумотлар асосида.
2. Ташматов Ш., Хасанхонова Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. Ўқув қўлланма. - Т.: IQTISODIYOT DUNYOSI", 2020. 364-366 – б.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. 6 – б.
4. Сыроваткина Т.Н. Воспроизводственная инфраструктура экономики, основанной на знаниях : автореферат дис. раб. кандидата экономических наук : 08.00.01 Оренбург 2005. – с.15



INTERNATIONAL LEGAL COOPERATION IN THE FIELD OF LABOUR MIGRATION

Murodova Durdonakhon Oybek kizi

Republican Social Information center

Republican Social Information center

ISTIQBOLLI AVLOD

durдона.murad@gmail.com

Annotation: This article speaks about international law for cooperation in the field of labour migration. It also equips students to understand the human rights of migrants who live or work in countries outside the state of their nationality.

Key word: international, travel passport, nationality, migration, cooperation, legal, law, regular, irregular, immigrants, immigration.

Migration is problematic of demographic numbers taken for granted. In one-a-kind birth and death events that determine the life span of a person, the difference in deviation can be repeated once. Its measurement depends entirely on how it is defined in time and space.

Despite all the challenges inherent in the collection of migration data, significant progress has been made in recent years. The compilation of a worldwide database of origin and destination, originally developed at the University of Sussex and now significantly expanded and maintained by the United Nations Population Division and the World Bank, has provided a basis for more accurate measurement of global international population movements.

These data showed that approximately 3 % of the world's population lives in a state or territory where changed significantly since the 1990s.....As the systems of internal and international migration develop and change, the nature of the relationship between them also changes...other forms of short-term mobility arise mainly from urban cultures and economies.

Internal migration: moving within a state, country, or continent. External migration: moving to a different state, country, or continent. Emigration: leaving one country to move to another. Immigration: moving into a new country. Return migration: moving back to where you came from.

United Nations Economic Commission for Europe (UNECE), United Nations Development Accounts Strengthening national capacities to improve migration data: maximizing development benefits and minimizing negative impacts"¹

There are four major forms of migration: invasion, conquest, colonization and emigration/immigration. Persons moving from their home due to forced displacement (such as a natural disaster or civil disturbance) may be described as displaced persons or, if remaining in the home country, internally displaced persons. The following The following can lead to migration:

- Higher employment.
- More wealth.
- Better services.
- Good climate.
- Safer, less crime.
- Political stability.
- More fertile land.
- Lower risk from natural hazards².

Human migration involves the movement of people from one place to another with intentions of settling, permanently or temporarily, at a new location (geographic region). The movement often occurs over long distances and from one country to another, but internal migration (within a single country) is also possible; indeed, this is the dominant form of human migration globally. Migration is often associated with better human capital at both individual and household level, and with better access to migration networks. Age is also important for both work and non-work migration. People may migrate as individuals, in family units or in large groups. There are four major forms of migration: invasion, conquest, colonization and emigration/immigration.

¹ <http://un.org/esa/devaccount/projects/2008/0809A.html>

² https://en.wikipedia.org/wiki/History_of_human_migration



Key differences Between Migrants and Immigrants

Migrant = temporary movement. Immigrant = permanent residency. Migration can occur within the borders of the same country, or cross international borders. Immigration occurs when a person crosses an international border and becomes a permanent resident in another country

Often censuses and surveys are viewed as sources of the same type - obviously, the predominant way of collecting data is through interviews with respondents. However, some countries with developed population registers have already switched to register-based censuses. They do not require the personal participation of the population in the survey. Information incl. Migration information is collected automatically by integrating data about a person from different registers, in which it represented each person under his unique personal number. Censuses are based on administrative sources. In the overwhelming majority of countries, the census is still traditionally carried out by visiting interviewers on residential premises and polling the population using a special questionnaire¹. Persons moving from their home due to forced displacement (such as a natural disaster or civil disturbance) may be described as displaced persons or, if remaining in the home country, internally displaced persons. A person who seeks refuge in another country can, if the reason for leaving the home country is political, religious, or another form of persecution, make a formal application to that country where refuge is sought and is then usually described[by whom?] as an asylum seeker. If this application is successful, this person's legal status becomes that of a refugee.

In contemporary times, migration governance has become closely associated with state sovereignty. States retain the power of deciding on the entry and stay of non-nationals because migration directly affects some of the defining elements of a State.

It is rooted in its Fundamental Principles and universal character as well as in its volunteer and community basis. However, patterns and issues associated with migration change over time.

We should, therefore, continually examine our ways of working with and for migrants to ensure that our action remains strong, coherent, and mindful of crosscutting issues. Our policy on migration is a living policy: It will be reviewed and, if necessary, revised as we evaluate its implementation.

Each National Society and the International Federation shall take into account and adopt the following approach on migration.

1. Focus on the needs and vulnerabilities of migrants
2. Include migrants in humanitarian programming
3. Support the aspirations of migrants
4. Recognize the rights of migrants
5. Link assistance, protection and humanitarian advocacy for migrants
6. Build partnerships for migrants
7. Work along the migratory trails
8. Assist migrants in return
9. Respond to the displacement of populations
10. Alleviate migratory pressures on communities of origin

It also provides the means by which certain aliens can become legally naturalized citizens with full rights of citizenship. Immigration law serves as a gatekeeper for the nation's border, determining who may enter, how long they may stay, and when they must leave.

Migrants might be defined by foreign birth, by foreign citizenship, or by their movement into a new country to stay temporarily (sometimes for as little as one month) or to settle for the long-term. ... In some scholarly and everyday usage, people who move internally within national boundaries are called migrants².

Actually, in any countries have protection system and rules of migrants and immigrants. Namely:

- UN Refugee Convention (1951)³
- Immigration and Nationality Act 1952 / 1965.
- Refugee Act (1980)
- Immigration Reform and Control Act (1986)

¹ During the 2010 round of censuses, out of forty countries in the UNECE region, 27 conducted or are planning to conduct a census using the traditional survey method (see P. Valente, 2010).

² <https://dataguide.migrationobservatory.ox.ac.uk/>



- American Homecoming Act (1989)

- Immigration Act 1990.

Illegal Immigration Reform and Immigrant Responsibility Act (IIRIRA) (1996)

As well as they are not just a name of books they are the protective shell of migrants and immigrants which can help them when they need to protection and care about them when they are ill.

In addition, how do these rules work in Uzbekistan? How are immigrants and migrants protected in our country?

There are many rules and principles for migrants and immigrants in our country, which survives their interest. In addition, there are many comforts which is made for them and their children.

The follows can be example

The Consultative Council on Labor, Migration and Social Protection of the CIS Member States has been established and operates to:

Develop a policy of reconciliation by providing advice and exchanging views on important issues of mutual interest;

Harmonization of the legislation of the CIS member states and regulation of issues related to labor relations, migration, employment, social protection and labour protection;

Development of proposals on these issues and approval of draft intergovernmental agreements.

As well as that Support social, work in the protection of children affected by migration in Uzbekistan.

The growth of labour migration in Uzbekistan has created new challenges for structures that support vulnerable families. To address migration issues, the Republican Centre for Social Adaptation of Children conducted trainings for social workers on social work practices with children and families affected by migration.

In Uzbekistan, there has long been a discussion about the use of a customs declaration for similar measuring purposes, where the purpose of the trip is indicated and the flows of labour migration can be determined¹.

These activities are part of a project to identify and protect children abandoned by immigrant parents in four regions of Uzbekistan – Bukhara, Fergana, Surkhandarya and Khorezm.

The project is implemented by the Women's Committee of Uzbekistan and UNICEF and funded by the European Union.

Prolonged absence of parents from children's daily lives can have a negative impact on their well-being and health, "The aim of the training was to train child care professionals in social work skills to better protect children affected by migration".

To the measures taken to regulate the processes of external labour migration, the conclusion of international agreements on the organized recruitment of citizens for work abroad, the creation of favourable conditions for their safe access to work outside the country however, a large influx of illegal labour migration persists.

The rate of organized employment of citizens abroad, as well as the employment of returnees, remains low.

Further improvement of the system of external labor migration, radical expansion of its organizational forms, ensuring the protection of labor and social rights of citizens leaving the country for work, In order to expand the involvement of returning migrant workers in entrepreneurship and labor, as well as the consistent implementation of the tasks set out in the Action Strategy for the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 so many activities was carried out. Of course they are all brilliant example to show how it is important to care and protect migrants and immigrants².

In my opinion, these rules can improve the life for migrants and immigrants their children, and of course those are all help of smart leader who cares and who is ready to do any good things for his people.

¹ International Migration Statistics A Practical Guide for Eastern Europe and Central Asia. UNITED NATIONS 2011

² <https://nbu.uz/en/normative-legal-documents>



References:

1. Information legal portal
2. International Migration Law: Developing Paradigms and Key Challenges
3. Law.cornel.edu.
4. En.em.wikipedia.orf
5. <http://un.org/esa/devaccount/projects/2008/0809A.html>
6. https://en.wikipedia.org/wiki/History_of_human_migration
7. During the 2010 round of censuses, out of forty countries in the UNECE region, 27 conducted or are planning to conduct a census using the traditional survey method (see P. Valente, 2010).
8. <https://dataguide.migrationobservatory.ox.ac.uk/>
9. International Migration Statistics A Practical Guide for Eastern Europe and Central Asia. UNITED NATIONS 2011
10. <https://nbu.uz/en/normative-legal-documents>



ИСЛОМИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАМОИЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Иномжонов Исломжон Илхомжон ўғли
Акциядорлик тижорат Халқ банки
Кадрлар департаменти бош мутахассиси
Телефон: (91) 172-66-71
inomjonovislomjon1993@gmail.com

Аннотация. Мазкур тезисда исломий молиялаштириш тамоиллари, уларнинг моҳияти, улардан фойдаланиш мезонлари тўғрисида муаллифнинг ҳамда мазкур соҳада тадқиқот олиб борган олимларнинг фикр-мулоҳазалари келтирилган.

Калит сўзлар: мушорака, рибо, ғорар, мудораба, муробаха, ижор, закот, ал-Қард ал-Ҳасан

Бугунги кунда ислом молиясининг учдан икки қисми ислом банкларида жамланган.¹ Исломий банк хизматлари молиявий-иқтисодий муносабатлари ислом шариати асосида тартибга солиниб, қуйидаги кетма-кетликда келади: Қуръон Карим, Ҳадиси Шариф, Ижмо ва Қиёс.² Ислом молиясини асосий тамойиллари қуйидагилар:

Рибо (фоиз) ҳар қандай кўриниши тақиқланган. Бу оддий қилиб айтганда, пулни қарзга фоиз эвазига бериш ёки пулни ҳеч қандай меҳнат қилмай кўпайтириб олиш тушунилади.

Ғорар-бу одамлар ўртасидаги муомалада бир томон иккинчи томонга нисбатан ахборотдан етарлича хабардор эмаслик ҳисобланади. Бунда сотувчи ва харидор товар ҳақида тенг маълумотга эга бўлиши керак. Буни шариат томонидан тақиқлашдан асосий мақсад бир томоннинг иккинчи томонга нисбатан ноҳақ устунликка эга бўлишини олдини олишдан иборатдир. Ғорар умуман қўшимча нарса яратмайди балки, кимнидир ютқазishi ёки зарар кўриши эвазига даромад олинади.

Майсир-иқтисодий ноаниқлик ва асосланмаган тадбиркорлик rischi сифатида намоён бўлади. Бунга мисол қимор ўйини, яъни бойликни меҳнатсиз бошқа бировни зарар кўриши эвазига тасодифан қўлга киритишдир.

Тадқиқотчи олим Аль Аззави исломий банкларнинг қуйидаги тамойиллар асосида фаолият юритишини таъкидлаб ўтади.³

1. Мушорака – шерикчилик асосида, яъни банк ва тадбиркор томонидан лойиҳани биргаликда амалга ошириш.

Ислом банкларида амалга ошириладиган банк операцияларининг мушорака турида банк молиялаштиришдан кўзлаган мақсад муайян фоиз олиш эмас, балки олиниши керак бўлган фойдада иштирок этишдир.

Мушоракада олинган фойда қуйидагича тақсимланади:

– фойданинг бир қисми иш ҳақи, бошқарув ёки лойиҳани амалга оширишдаги бошқа иштироки учун шерикка ажратилади;

– фойданинг қолган қисми эса шериклар, яъни банк ва тадбиркор ўртасида лойиҳага тикилган маблағнинг нисбатига кўра пропорционал равишда тақсимланади,

Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, иш натижаси зарар билан якунланса, у ҳам шериклар ўртасида молиялаштиришдаги иштирокига кўра пропорционал равишда тақсимланади.

Тадбиркор лойиҳа ташаббускори бўлгани боис, менежментни ўз қўлига олади. Банк эса шартномага қатъий риоя қилган ҳолда лойиҳанинг бажарилишини назорат қилиб боради. Бу билан у ўзи ва шериги томонидан иш учун тикилган капитални ҳимоя қилади.

Мушорака бўйича капитал, албатта, икки томондан қўйилмоғи лозим. Лекин, шуни таъкидлаш жоизки, томонлар капиталининг тенг бўлиши шарт эмас. У турли нисбатда қўйилиши мумкин. Инвестиция қилинаётган маблағ эркин айланадиган бўлиши ва энг

¹ Islamic Finance Outlook 2020 Edition, p37

² Байдаулет Е.А. Основы этических (исламских) финансов, учебное пособие, Павлодар, 2014.

³ Аль Аззави А.А. К вопросу о специфике функционирования исламского банкинга и факторах, останавливающих его развитие на территории РФ // Вестник Университета (Государственный университет управления). – 2017. – № 4. – с. 85-88.



муҳими, унинг манбаи маълум бўлмоғи лозим. Мушорака шартномаси шерикларнинг бир-бирига бўлган тўлиқ ишончига асосланади. Ширкат маблағини бегона - учинчи шахс манфаатига ишлатиш ёки пул маблағларини бошқаришни учинчи шахсга, топшириш, шунингдек, компания маблағларини ўзининг шахсий маблағлари билан аралаштириб юбориш, умумий маблағни қарзга бериш ёки кафолат сифатида қўйиш мумкин эмас.

Банк талабгор тадбиркорлар ичидан шерик танлашда унинг нафақат профессионал маҳорати, балки унинг ахлоқий жиҳатларини ҳам инобатга олади.

2. Мудораба – ишонч асосида молиялаштириш. Ушбу банк операцияси турининг моҳияти шундаки, бунга кўра томонларнинг бири сармоя кўювчи ва иккинчи тараф иш юритувчи сифатида фаолият юритади. Демак, банк лойиҳани тўлиқ молиялаштирувчи бўлса, тадбиркор лойиҳани бевосита амалга оширувчи ҳисобланади.

Ислом банкларида амалга ошириладиган операцияларнинг мудораба тури мусулмон аҳоли ўртасида кенг тарқалган асосий хўжалик юритиш тамойилини ўзида акс эттиради. Муомаладан холи ёки бўш сармояга эга бўлган шахс уни ўзи хоҳлаган соҳага ёки бир пайтнинг ўзида турли соҳаларга йўналтириши мумкин. Бунда иккинчи тараф сармояни тасарруф этувчи, яъни лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча ташкилий ва бошқарув ишларига мутасадди шахс сифатида муомалага киришади.¹

Мудораба шартномасига кўра фойда тарафлар ўртасида олдиндан келишилган нисбатда тақсимланади.

Шариат нуқтаи назаридан мудораба молиявий воситаларни ишлаб чиқариш омилларига айлантиришнинг ҳалол ва қонуний йўли ҳисобланади. Бунда турли имкониятга эга бўлган хўжалик субъектлари бирикиб, ижтимоий фойда келтирувчи хайрли амал билан шуғулланадилар.

Мудорабада 3 та иқтисодий категория амал қилади: капитал, меҳнат, фойда. Бунда капитал пул ёки натурал шаклда бўлиши мумкин. Шартнома тузилаётган вақтда капиталнинг ҳажми ва манбаи маълум бўлиши, шунингдек, у бошқа банк операцияларига жалб этилмаслиги лозим.

Лойиҳани амалга ошириш учун сарфланган меҳнатга ҳақ фойда ҳисобидан тўланади. Меҳнатга ҳақ тўлаб бўлингандан сўнг қолган маблағ соф фойда бўлиб, у шериклар ўртасида шартномада келишилган нисбатда бўлинади.

Худди мушорака сингари мудораба шартномасида ҳам лойиҳа банк томонидан синчковлик билан босқичма-босқич ўрганилади. Ушбу шартнома турида ҳам талабгорнинг нафақат молиявий аҳволи, балки унинг ахлоқий жиҳатларига ҳам асосий эътибор қаратилади.

Банк томонидан лойиҳанинг бажарилиши устидан доимий ва қаттиқ назорат ўрнатилади. Агар лойиҳани амалга оширувчи томонидан йўл қўйилган хато ёки эътиборсизлик оқибатида зарар кўриладиган бўлса сўзсиз, ушбу зарарни қоплаш иш юритувчи зиммасига юклатилади. Ана шундай вазиятларни назарда тутган ҳолда ислом банклари талабгордан маълум қийматга эга бўлган мулкни гаров сифатида қўйишни талаб қилиши мумкин.

3. Муробаҳа – тижорат операцияларини молиялаштириш. Ислом банклари опрецияларининг ушбу турида банк муайян тижорат операциясини молиялаштиради ва шартномада кўрсатилган фойдага эга бўлади. Бунда мижоз буюртмасига кўра товар банк томонидан харид қилинади. Сўнгра банк ушбу товарни шартномада кўрсатилган устама нарх билан мижозга сотади. Ушбу устама нарх банкнинг фойдаси ҳисобланади.

4. Ижор – Ижара операцияси. Банк операциясининг ижор турига асосан тадбиркор кўчмас мулк ёки ишлаб чиқариш воситасини банкдан ижарага олади. Ислом банкларининг ушбу операцияси бугунги кундаги анъанавий банкларнинг лизинг операцияларига ўхшаш бўлиб, у банк ва тадбиркор ўртасида тузилган шартномага асосан амалга оширилади.

5. Ижор ва иқтино – сотиб олиш ҳуқуқи бўлган ижара. Банк ва мижоз ўртасида тузилган ушбу шартномага кўра, банк томонидан ижарага берилган кўчмас мулк ёки ишлаб чиқариш воситаси ижара муддати тугагач мижознинг мулкига айланади. Албатта, бунга қадар ижара объектининг келишилган нархи белгиланган муддат ичида тўлаб бўлинган бўлиши керак. Анъанавий банклар ҳам лизинг операцияларини амалга оширишда мижозга ижара муддати тугагач, сотиб олиш ҳуқуқини беради.

¹ Батаева Б.С. Исламские банки сквозь призму развития этических финансов и банков // Проблемы современной экономики. – 2013. – № 1. – с. 270-272.



6. Закот – Моли нисобга етган давлатманд мусулмонлардаги камбағаллар ҳақи.

Банк томонидан закотларни жамлаш учун Закот уйи ташкил этилади. Ўз навбатида банк Закот уйига тушган маблағларни камбағаллар турмуш аҳволини яхшилашга, уларни ижтимоий жихатдан муҳофаза қилишга ва бошқа жамоат манфаатидаги ишларга сафарбар қилади. Закот уйлари закот тўловчилардан ташқари барча турдаги хайрия ва эҳсонларни қабул қилиб, уларни аҳолининг муҳтож қатламларига етказиш учун хизмат қилади.

7. Ал-Қард ал-Ҳасан – фоизсиз қарз.

Ислом банклари жисмоний ва юридик шахсларга маълум муддатга фоизсиз қарз бериши мумкин. Ушбу қарз асосан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун (масалан, завод, фабрика, йўл ва кўприklar қуриш) учун ажратилади. Айрим ҳолларда, маълум объектив сабабларга кўра қарздор шахс ёки ташкилот олинган маблағни қайтара олмаса, банк уни закот фонди ҳисобидан қоплаб бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Islamic Finance Outlook 2020 Edition, p37
2. Байдаулет Е.А. Основы этических (исламских) финансов, учебное пособие, Павлодар, 2014.
3. Аль Аззави А.А. К вопросу о специфике функционирования исламского банкинга и факторах, останавливающих его развитие на территории РФ // Вестник Университета (Государственный университет управления). – 2017. – № 4. – с. 85-88.
4. Батаева Б.С. Исламские банки сквозь призму развития этических финансов и банков // Проблемы современной экономики. – 2013. – № 1. – с. 270-272.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 32-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(9-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.09.2021

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000
